

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
“АРХИТЕКТУРА” ФАКУЛТЕТИ  
“АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ  
“ТАЪМИРЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ” ФАНИДАН

# КУРС ИШИ

*МАВЗУ: ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ А.ҚОДИРИЙ КЎЧАСИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ЛОЙИҲАСИ.*

Гуруҳ: 1-11 Ау

Бажарди: Хидиров А.

Қабул қилди: Мадчонов Б.

Тошкент – 2014-2015 й.

***Мундарижа:***

<i>1. Тошкент шаҳрининг шаҳарсозлик тизими тарихи.....</i>	<i>2.</i>
<i>2. Қайта тиклаш лойиҳаси аннотацияси.....</i>	<i>5.</i>
<i>3. Категориялар.....</i>	<i>5.</i>
<i>4. Тошкент шаҳри Зарқайнар кўчасининг таянч ҳолат тархи.....</i>	<i>6.</i>
<i>5. Тошкент шаҳри Зарқайнар кўчасининг қайта тиклаш лойиҳа тархи.....</i>	<i>7.</i>
<i>6. Адабиётлар.....</i>	<i>8.</i>

***Тошкент шаҳрининг шаҳарсозлик тизими тарихи***

*Тошкент 2000 йилликдан ортиқ тарихга эга. Бу давр ичида у мудофа девори билан ўралган. Қалъадан жаҳондаги йирик шаҳарлардаб бири. Ўзбекистон Республикаси пойтахтигача бўлган масофани босиб ўтди. Асрлар давомида шаҳар ўзининг тинч ҳаётидаги муҳим воқеаларни ва суронли жангу жадалларни, юксалиш ва инқирозли даврларини бошидан кечирди. неча бор шаҳар вайрон бўлиб қад кўтарди. тошкентни қадимги номи “ЧОЧ” бо;лган. Тошкент араблар тасарруфига ўтгач, араб алифбосида “Ч” ҳарифининг йўқлиги боис арабий асарларда “Шош” деб юритилган. Илк ўрта асрларда у “Чоч”, “Шош”, “Шошкент”, “Мадинат аш-Шош”, “Бинкат” ва “Таркан” деб номланган. Буюк ипак йўлида жойлашган Тошкент Европа мамлакатларининг Ҳиндистон ва Хитой билан олиб борган турли алоқаларида муҳим рўл ўйнаган.*

*Тошкент шаҳар ҳаётининг маркази Чорсу бозори бўлиб, бу эрга турли шаҳар ва мамлакатлардан савдогарлар келишарди. Чорсу ихтисослаштирилган ҳунармандчилик-савдо расталари жойлашган ўзига хос шаҳарча бўлиб, атрофини карвонсаройлар, ҳаммом, ошхона ва дўконлар ўраб турарди. Шаҳарнинг бу энг катта бозори унга туташадиган кўчаларданоқ бошланарди, кўчанинг икки томонида дўконлар ва ҳунармандчилик устахоналари саф тортган эди. Бозорнинг ҳар бир қисмида асосан бир хил моллар сотиларди. 1734 йилда Тошкентда яшаган Нурмуҳаммад мулла бундай деб ёзган эди: “...ҳар бир бозорда бир хил моллар сотилади: биттасида нон, иккинчисида ип-газлама, бошқасида шойи, чопон, этик, атлас ва ҳоказолар”. Хадрадаги тим остида чопон бозори жойлашган эди.*



*Хатъ Имом мозори, эски шаҳар*



Эски Жува масжиди, эски шаҳар

Шаҳарда ва шаҳар атрофида карвонсаройлар бўлиб, турли мамлакатлардан келган савдогарлар шу эрга қўнар эдилар. Карвонсаройларнинг айримлари яқин-яқинларгача фаолият юргизиб келган. 60 мингга яқин аҳоли яшайдиган Тошкент ўз аҳамияти жиҳатидан хонлик пойтахтидан кейин иккинчи ўринда турарди. Қўқон-Россия муносабатлари ёмонлашуви туфайли Тошкент муҳим стратегик ва иқтисодий аҳамият касб этиб, унга бутун Туркистон вилояти, чегара қалъалар ҳамда Туркистон, Чимкент ва бошқа шаҳарлар бўйсунар эди. XVIII асрда Тошкент ҳудуди тахминан 16 кв. км. Бўлиб, аҳолисининг сони

80 мингга (баъзи манбаларда айтилишича, 100 мингга) бориб қолган эди. Шаҳарнинг шимолий чегараси Калковуз ариғидан; шарқий чегараси

Анҳор бўйлаб ҳозирги миллий боғ орқали; жанубий чегараси Бешёғочдан Самарқанд дарвоза кўчаси орқали; гарбий чегараси шу кўчадан Кўкчагача ўтарди. Шу тарзда бутун шаҳар ҳозирги Шайхонтоҳур тумани ва қисман Собир Раҳимов тумани ҳудудидан иборат эди. Бу ҳудуд “Катта шаҳар” деб аталарди.

“Катта шаҳар”нинг тахминан ўртасида бошқа девор билан ўраб олинган эски марказ бор эди. Ўша пайтда шаҳарнинг “эски Тошкент” деб аталувчи ана шу марказида олти дарвоза бўлган. Бу эрда иморатлар жуда зич қурилган бўлиб, марказда бозор, масжид, мадраса, қозихона, шаҳар амалдорларининг уйлари жойлашган эди. Масжид ва бадавлат аҳолининг айрим уйлари пишиқ гиштан қуриларди. Шаҳарда 40 жомеъ ва кўплаб маҳалла масжидлари бор эди.

XVIII аср бошларида Тошкент бошқа шаҳарлардан анча бой ва чиройли шаҳар бўлиб, ўша даврга келиб, Чорсу, Тарлак ва бошқа ариқлар орқали келарди. Тошкент катта кўчалари бўйлаб ўтган илгариги полиз экинзорларида мўл ҳосил этиштириш учун қулай шароит яратарди. Сув мўл бўлган жойлардаги ҳовлилар соя-салқин боғларни эслатар, дарахтлар ва гуллар ҳовлига файз бағишлар ва мева берарди. мева



Тошкент, эски шаҳар ва масжид

*қоқилар бошқа мамлакатларга юбориларди. Тошкент аҳолиси дарахтларни ҳафсала билан парвариши қилар, улардан мўл ҳосил териб олар ва меваларнинг ажойиб янги навларини яратарди.*

*XVIII асрда шаҳар тўрт даҳага бўлинган эди: Кўкча, Себзор, Беиёзоч ва Шайхонтоҳур даҳалари. Ҳар бир даҳа қурилиши хусусияти ва аҳолининг зичлиги, аҳолининг анъанавий машғулоти билан фарқланарди. 1865 йили Тошкентда 140 та маҳалла, 13260 та хонадон, 8 та мадраса, 8 та ҳаммом, 255 масжид ва 116 та тегирмон бўлган.*

*XIX аср бошларида Тошкент Қўқон хонлиги томонидан эгалланади. Бек ва амалдорлар зулмига қарши тошкентликлар 1847 ва 1863 йиллари галаён кўтардилар.*

*Мана шу каби сиёсий-ижтимоий инқирозлар даврида 1865 йили Тошкент чор Россияси томонидан эгаллаб олинади. 1867 йилда эса, Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг марказига айлантирилади.*

## ***Қайта тиклаш лойихаси аннотацияси***

*Берилган вариантга кўра, турли даражадаги тарихий қийматга эга уйларнинг қайта реконструкция лойихаси тузилди.*

*Йиллир ўтиши билан маҳалаларнинг кўринишлари ўзгариб бормоқда. Тошкент маҳалаларида ўзига хос замонавий услубдаги турар жой уйларининг кўпайиши бунга мисол. Шу билан бирга тарихий уйлар уйлар, айниқса Тошкентнинг эски шаҳар қисмида бир қанча. Бу бажарилган лойихадан кўзланган асосий мақсад, замонавий қурилиш технологияларидан фойдаланиб, ҳар бир уйнинг ўзига хос тарихий муҳитини, категориясига кўра сақлаб қолиши.*

*Бажарилган лойихада вазифага асосланиб Тошкент шаҳри, Зайқайнар кўчасдаги берилган уйларнинг асоси (дастлабки тузилган лойихаси) сақлаб қолиниб, замонавий коммуникация тармоқлари билан тўла таъминланди. Кўчанинг тарихий конфигурациясини (шаклини) сақлаб қолиши мақсадида ўзгартирилмади.*

### ***Тарихий қийматлар категориялар***

***1- категория** алоҳида қийматли бўлиб, тарх сақланади, хоналар сақланади, муҳандислик тармоғИ билан таъминланади. (100-75 %)*

***2- категория** қисман қийматли бўлиб, қисман қайта тикланади, умумий тарх сақланади. Муҳандислит тармоғИ билан таъминланади. (75-50 %)*

***3- категория**да айрим унсурлар қийматли бўлиб, тўла қайта тикланади, қийматли унсурлар сақланади, муҳандислик тармоғИ билан таъминланади. (50-25 %)*

*4-категорияда қиймати сақланмаган бўлиб, янги қурилиш, тарихий муҳитга киритилади. Турар жой уйлари ва ҳовлилар дастлабки ҳолати бўйича уларнинг қиямти аниқланиб, сақланиб қолишига ҳаракат қилинди. (25-0 %)*

***Манбалар:***

- 1. “Тамирлаш ва қайта тиклаш” Пўлатов Х.Ш.*
- 2. “Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта тиклаш” Пўлатов Х.Ш. Маматмусаев Т.Ш.*
- 3. “Тошкент” Зияев.*
- 4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.*
- 5. Интернет материаллари.*